



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMI

140157, Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy. Tel.: (66) 2304270, 2312093, e-mail: samarkand@exat.uz, info@samarkand.uz

**Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизматини 2030  
йилгача ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида  
ID-2619 (V-5766)**

### TAKLIF VA E'TIROZLAR

#### 1. Loyiha matnini 3-band 4-xatboshi elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin

Биринчидан, Давлат фуқаролик хизматида интеллектуал салоҳиятни аниқлаш услибиёти тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, интеллектуал салоҳиятли кадрларни давлат хизматига сафарбар эта олиш даражаси ошиб борса, бу ҳам асосий индикатор бўлиши мақсадга мувофиқдир (Сингапур тажрибаси: Истеъодли инсонлар мамлакат тараққиётининг бебаҳо бойлигидир).

Учинчидан, давлат фуқаролик хизматчиларини истиқболли кадрлар захирасини аниқлашни карьера моделига трансформация Қилиш мақсадга мувофиқ.

#### 2. Loyiha matnini 7-band 4-xatboshi elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin

Ҳар бир вазирлик ва идораларда давлат хизматчиларининг оиласи учун “оила кунлари” (family day) ташкил этиш, шунингдек инсон ресурсларини ривожлантиришнинг “Оилада ўз устида ишлаш – Ташкилотда ўз устида ишлаш – Махсус малака ошириш жараёнида ўз устида ишлаш” тизимларини жорий этиш.

### [3. Loyiha matnini 10-band 2-xatboshi elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin](#)

2025-2026 йилларда аҳолига Қулайлик яратиш мақсадида биринчи босқичда синов тариқасида 14 та Лойиҳа бошқарув институтларини жорий этиш, илмий ва амалий аҳамияти иқтисодий, социологик ва аналитик таҳлиллар ўтказиш, таҳлил натижаларига кўра ушбу маҳаллий давлат Ҳокимияти органлари фаолиятини туман ва шаҳар фаолиятининг Ҳудудий сайёр тизимларини жорий этиш таклифларини ишлаб чиқиши.

### [4. Loyiha matnini 10-band 3-xatboshi elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin](#)

Рақамли технологиялар вазирлиги давлат органлари ва ташкилотлари билан биргалиқда ходимларнинг масофавий ишлашини ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи маҳсус платформа орқали амалга оширилишини таъминласин.

**Йўл хариталари ижро механизmlарида синергетик самара механизmlарини жорий этиш яъни, топшириқларни ижросига масъул бўлган ташкилотларнинг топшириқлар бажарилиши алгоритмига мувофиқ мувофиқлаштириш масаласи кун тартибига Қўйиш мақсадга мувофиқ.**

### [5. 1-ilovani 7-paragraf 5-xatboshi elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin](#)

Давлат хизматчилари фаолиятини самарали ташкил этища тўғридан тўғри хизмат фаолиятидаги бўшлиқларни аниқлаш ва мазкур бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тезкор маҳсус курсларни йўлга Қўйиш ва унинг мониторингини амалга ошириш.

Шунингдек, давлат хизматчилари фаолиятидаги соҳа ва тармоқлар кесимида платформа ишлаб чиқиши. Мазкур платформада тўғридан-тўғри “муаммолар”, “таклифлар”, “илмий тадқиқотлар” бандлари тизимларини мувофиқлаштириб бориш.

### [6. 1-ilovani 4-bob elementi quyidagi tartibda bayon qilinsin](#)

Ташкилотларда айнан ташкилот истиқболи билан боғлиқ стратегик элементларини шакллантирилмаётганлиги (ёки шакллантирилган бўлсада, раҳбар алмашинуви юз берган ташкилотлардаги муаммолар), мониторинг ва баҳолашнинг шаффоғлигини таъминлаш мақсадида Аналитик маслаҳат марказларини ташкил этиш (давлат, давлат хусусий шерикчилик, хусусий).

---

Samarqand viloyati  
hokimi v.b.



TURDIMOV  
ERKINJON  
OQBUTAYEVICH  
24-Oktabr 2024-yil